



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 05 | pp. 274-283 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ХАЛҚАРО ТАСНИФ МАҚОМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ



Юлдашев Искандар Баҳромович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада олий таълим муассасаларининг халқаро таснифининг ўзига хос хусусияти ва назарий асослари тадқиқ этилган. Халқаро таснифнинг шаклланишига хизмат қилувчи омилларнинг вужудга келиши ва уларни баҳолаш юзасидан маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий асарлари тизимлаштирилган ва уларга нисбатан мустақил ёндашувлар ишлаб чиқилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида олий таълим муассасаларини халаро тасниф бўйича ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: олий таълим муассасаси, университет, халқаро рейтинг, таълим сифати, инновацион таълим менежменти

Аннотация: В статье рассматриваются характерные особенности и теоретические основы международной класса высших учебных заведений. Систематизированы научные труды отечественных и зарубежных учёных и разработаны самостоятельные подходы в отношении возникновения факторов, служащих формированию международной класса и их оценке. На основе проведенных исследований разработаны научные предложения и рекомендации, направленные на развитие высших учебных заведений по международной классе.

Ключевые слова: высших учебных заведений, университет, международный рейтинг, качество образования, инновационный образовательный менеджмент.

Abstract: The article examines the characteristic features and theoretical foundations of the world class of higher education institutions. The scientific works of local and foreign scientists have been systematized and independent approaches have been developed in relation to the emergence of factors that serve the formation of the international classification and their assessment. Based on the conducted research, scientific proposals and recommendations aimed at the development of higher education institutions according to world class have been developed.

Key words: higher education institution, university, international ranking, quality of education, innovative educational management

Кириш

Мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган катор ислоҳотлар амалга оширилмоқдаки, ундан қўзланган мақсад қуидагиларда ўз аксини топади, деб ўйлаймиз:

Биринчидан, олий таълим муассасаларини халқаро даражада рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва академик обрўсини ошириш.

Иккинчидан, олий маълумотли кадрларнинг халқаро ва маҳаллий меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлишига эришиш.

Учинчидан, хорижий мамлакатлардан талабалар жалб этиш орқали мамлакатга валюта оқимини оширишни назарда тутиш.

Тўртингчидан, хорижий университетлардан юқори малакали профессорларни жалб этиш, улар билан ҳам академик, ҳам илмий фаолиятда фаол ҳамкорликни амалга ошириш. Натижада, халқаро даражада тан олинадиган илмий тадқиқотлар натижаларини эълон қилиш ва нашр этиб боришни ўзида ифодалаб беради.

Бешинчидан, маҳаллий абитуриентларнинг танлов эркинлигини кенгайтириш ва ёш авлодни олий таълим билан қамраб олиш улушини оширишга қаратилган стратегик мақсадларни ўзида акс эттиради, десак муболаға бўлмайди.

Бизнингча, олий таълим муассасалари кесимида бўладиган ислоҳотлар уларнинг жаҳон таснифидаги университетлар қаторига олиб чиқиш натижасида миллий иқтисодиётни билимларга асосланган ҳолда ривожлантиришни кўзда тутади. Шу боисдан, маҳаллий олий таълим муассасаларини ривожлантиришда халқаро таснифни белгилаб берувчи омил ва мезонларни тадқиқ этиш асосида олий таълим стратегиясини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Биз халқаро таснифга нисбатан айрим илмий ёндашувлар билан бирга мавжуд тенденцияларни таҳлил қилган ҳолда илмий хулосаларни шакллантиришга ҳаракат қиласиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон фармони олий таълим тизимида янги ва қатъий бўлган ислоҳотларни бошлаб берди. Ушбу ҳужжат билан олий таълим тизимида тўпланиб қолган қатор мураккабликларни бартараф этиш ва уларнинг ечимига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилди. Натижада, 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигига келиб, қатор ўзбек университетлари халқаро миқёсда тан олиниши жадаллашди.

Мазкур ҳужжат билан мамлакатимиздаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган агентликлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтинглари рўйхатида қайд этилишига эришиш назарда тутилган. Бизнингча, олий таълим муассасаларини халқаро рейтинг агентликлари рўйхатларидан мустаҳкам ўрин олишлари учун шарт-шароитларни яратиш ва натижаларга эришиш амалий жиҳатдан халқаро тасниф омилига эришилган бўлади, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, ушбу ҳужжат билан олий таълим муассасаларининг академик ва молиявий мустақиллигини кенгайтириш назарда тутилган. Билан эса, олий таълим муассасаларининг ўз ўқув дастурларини ишлаб чиқищдаги мустақиллигини таъминласа, бошқа жиҳатдан ушбу ўқув дастур учун харажатлар калькуляциясини амалга оширишда ҳам мустақил қарорлар қабул қилишга бўлган имкониятни яратиб беради.

Умуман олганда, давлат олий таълим муассасаларини халқаро тасниф мақомида ривожлантиришда айниқса молиявий ва академик мустақиллик асосий омил бўлиб қолади, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, давлат олий таълим муассасаларини нафақат хорижий университетлар билан, балки маҳаллий нодавлат олий таълим муассасалари билан рақобатлаша олиши учун академик ва молиявий мустақилликни таъминлаш биринчи навбатда вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, давлат олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва улардаги бошқарув амалиётини янада такомиллаштиришда кадрлар тайёрлаш сифати нуқтаи назаридан муассасалар қуидаги таснифларга ажратилиши белгиланган:

биринчи тоифа — флагман университетлар (Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети);

иккинчи тоифа — илм-фан ва инновацион марказ функциясини бажарувчи ҳудудий олий таълим муассасалари;

учинчи тоифа — соҳалар учун таълим ва илмий тадқиқотлар бўйича таянч муассасалар ролини бажарувчи тармоқ олий таълим муассасалари.

Бизнингча, маҳаллий даражада таснифларга ажратиладиган олий таълим муассасаларини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар миллий рақобатбардошлиқ мезонларини ўзида ифодалаб беради, деб ўйлаймиз. Шу боисдан, маҳаллий рақобатбардошлиқ таснифларини халқаро стандартларга уйғунаштирган ҳолда шакллантириш олий таълим муассасаларини халқаро тасниф бўйича ривожлантиришга сафарбар этиладиган ресурсларни тежашга имкон беради. Шу нуқтаи назардан, халқаро тасниф моҳиятидан келиб чиқиб маҳаллий тасниф мезонларини шакллантириш ва уларни такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Умуман олганда, халқаро тасниф мезонлари, тадқиқотимизнинг олдинги бўлимларида қайд этиб ўтганимиздек, ўзбек олим ва тадқиқотчилари томонидан халқаро рейтинг моҳиятини тушунтириш асосида изоҳлашга урғу берилади. Шу боисдан, биз мамлакатимиз олий таълим муассасалари халқаро тасниф бўйича ривожланишида халқаро рейтинг моҳияти билан мувофиқлаштирган рақам ва илмий нашрларни тизимлаштиришга эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Доц. М.Ташходжаев ўзининг илмий мақоласида олий таълим муассасалари рейтинги унинг молиявий бошқарувга таъсирини баҳолашга эътибор қаратади. Унинг фикрича, ўзбек олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинг агентликлари томонидан қайд этилмаслигига қуидаги омиллар саба бўлган, деб қайд этиб ўтилади [1]:

Олий таълим муассасаларида академик ва молиявий мустақилликнинг мавжуд бўймаганлиги;

Олий таълим муассасаларида молиявий режанинг “юқори”дан белгилаб берилганлиги;

Олий таълим муассасаларида қабул квоталарининг доимий тарзда марказлашган ҳолда давлат томонидан белгилаб берилганлиги;

Олий таълим муассасаларида “таянч олий таълим муассасаси” категориясининг мавжуд бўлганлиги нафақат халқаро, балки миллий олий таълим рақобатининг ҳам юзага келмаслигига сабаб бўлди;

Олий таълим муассасаларида хорижий мамлакатлар фуқароларини талаба сифатида жалб этишғоясининг мавжуд эмаслиги.

Доц. У.Джуманиязов тадқиқотлари давомида олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинги борасидаги тенденцияларга тўхталиб ўтади [2]. У тадқиқот илмий хуносаларида мамлакатнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган халқаро стандартларнинг муҳим элементларини босқичма-босқич жорий этишни таклиф этади. Жумладан:

Олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишларини (таълим дастурлари) синов-тажриба асосида халқаро аккредитациядан ўтказиш.

Олий таълим тизимида таълим сифатини таъминлаш мақсадида Европа олий таълим сифатини таъминлаш бўйича стандартлар ва йўриқномаларида белгиланган тартибни жорий этиши.

Ўқув жараёнини замонавий таълим технологиялари ва амалий ихтисослашув траекториялари, жумладан лойиҳавий ва гибрид таълим шаклларида ташкил этиш ҳамда Зтагача қўшимча квалификациялар бериш тизими йўлга қўйиши.

Мультимедиа марказини ташкил этган ҳолда рақамли ўқув контентларини, интерактив таълим аудиторияларини яратиш ҳамда бошқа олийгоҳларга улардан фойдаланиш имкониятини яратиш.

Профессор-ўқитувчиларнинг касбий ва амалий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган малака оширишнинг муқобил шаклларини илғор хорижий тажрибаасосида ташкил этиши.

Ўқув жараёнини гурӯхларни максимал даражада оптималлаштирган ҳолда ташкил этиш орқали профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юклamasи камайтириши.

З.Абдулаев ва А.Темиров ўзлариниг тадқиқотларида олий тълим муассасаларининг халқар рейтингларида инновацион фаолиятнинг тутган ролига эътибор қаратишади [3]. Уларнинг фикрича, жаҳондаги тенденциялар олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинглардан жой олишлари чун бўлган заруратнинг кучайишига олиб келганлигини таъкидлаб ўтишади. Шу боисдан, маҳаллий олий таълим муассасаларини ҳам халқаро олий таълим бозорига кириб бориши ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этишини қайд этишади. Улар томонидан илмий тадқиқотларни халқаро индексларга эга бўлган базаларда нашр этишни таклиф этиб, “тил тўсифи”га нисбатан рационал ёндашув заруратини ифодалаб беради.

Фикримизча, мамлакатимиздаги олим ва тадқиқотчилар томонидан олий таълим муассасаларининг халқар рейтингларидағи ўрнини мустаҳкамлашга нисбатан илмий ёндашувлар бериб ўтилмоқда. Жумладан:

Биринчидан, университетларда молиявий мустақилликнинг академик қарорларни қабул қилишдаги ролининг муҳимлиги, халқаро рейтингларда иштирок этишга бўлган тўсиқларнинг шакланиши қайд этилган.

Иккинчидан, олий таълим муассасаларида таълим йўналишларини халқаро аккредитациядан ўтказиш орқали ўқув дастурларини тан олинишига эришиш. Шунингдек, академик инфратузилмани ривожлантиришга нисбатан рационал ёндашувларзарурлиги қайд этиб ўтилади.

Учинчидан, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш ва унинг натижаларини халқаро даражада элон қилиниши муҳим эканлиги асослаб берилган.

Таҳлил ва натижалар

Бизнингча, олий таълим муассасаларининг халқро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаши учун қуидаги бошқарув экотизимиға эътибор бериш муҳим бўлмоқда: Биринчидан, ўқув (академик) жараёнлар, иккинчидан илмий фаолият ва учинчидан молиявий мустақиллик масаласининг мавжудлиги кабиларни келтириш мумкин.

Биз 1-жадвалда айрим ўзбек университетларининг халқаро рейтинг агентликлари томонидан эълон қилаандиган йиллик рўйхатларида қайд этиб борилиш тенденцияларини кўрсатишга эътибор қаратамиз.

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚҲММИ)” Миллий тадқиқот университети ҳозирги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасалари ўртасида юқори рейтинг кўрсаткичларига эга эканлигини кўриш мумкин. Ушбу олий таълим муассасаси 2025 йил жаҳон олий таълим муассасалари рейтингида 547 ўринда қайд этилганлиги Ўзбекистонда бошланган таълим ислоҳотларининг натижаси, деб ўйлаймиз.

2024 йил учун эълон қилинган жаҳон олий таълим муассасалари рейтингида ўзбек университетларидан мавжуд бўлмаганлигини инобатта олсақ, дастлабки натижалар эътиборга молик эканлигини қайд этиш лозим. Бу борада, Ўзбекистон Миллий университети натижалари ҳам ижобий тенденцияларни қайд этаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 781-790 ўринларда қайд этилганлиги эътироф этиш лозим.

1-жадвал

Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг Quacquarelli Symonds University Rankings рўйхатидаги тенденциялари

ОТМ номи	Йиллар	Жаҳон рейтинги	Фан тармоғи бўйича	Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича	Марказий Осиё ОТМ бўйича
ТИҚҲММИ Миллий тадқиқот университети	2023		501-520 (инженерия)		14
	2024		351-400 (Атроф мухит)	701-710	9

	2025	547	351-400 (Атроф мухит)		
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети	2022		451-500 (математика)		
	2023		351-400 (математика)	1201+	16
	2024		451-500 (математика)		
	2025	781-790			
И.Каримов номидаги ТДТУ	2024			1101-1150	24
Тошкент давлат иқтисодиёт университети	2024				23

Ўзбек университетларида халқаро тасниф (рейтинг) мақомининг ривожланиш сезиларли ўзгаришларни акс эттираётганлигини қайд этиш лозим. Қайд этиб ўтганимиздек, жаҳон рейтингида ҳам 2024 йилга келиб ўзбек университетлари қайд этила бошланди. Шунингдек, фан тармоқлари (инженерлик ва технологик фанлар, атроф-мухит ва математика) бўйича ҳам университетларнинг фаол натижаларини кузатиш мумкин. Бу борада, ТИҚҲММИ Миллий тадқиқот университети ва Ўзбекистон Миллий университети натижаларини таъкидлаш лозим (1-жадвалга қаранг).

Фикримизча, мамлакатимиз университетларидағи мавжуд салоҳият ва имкониятларни рўёбга чиқаришда юқорида қабул қилинган ҳужжатлар туртки бўлган, десак муболага бўлмайди. Шунингдек, олий таълим муассасаларини халқаро тасниф бўйича ривожлантиришда академик, илмий ва молиявий фаолият (халқаро тасниф учлиги)га боғлиқ бўлган омиллар алоҳида рол ўйнамоқда. Шу боисдан, мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг қўпроқ қисми халқаро рейтингларда қайд этилишига эришиш учун мазқур йўналишлардаги фаолиятларни таҳлил қилиш ва баҳолаш мухим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, халқаро рейтинг агентликларининг методларини ҳам таҳлил қилганимизда асосан илмий ва академик фаолиятта доир бўлган кўрсаткичлар баҳолаш назарда тутилади. Шу нуқтаи назардан, олий таълим муассасаларида халқаро тасниф учлигини жадал ривожлантириш мухим бўлмоқда. Халқаро тасниф учлигига молиявий фаолиятнинг рационал амалга оширилиши илмий ва академик фаолиятда университет бошқаруви томонидан қарорлар қабул қилинишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бизнингча, ўқув (академик) фаолиятини ташкил этишда профессор-ўқитувчилар бир ўқув йили давомидаги ўқув юкламаси белгиланган маълум академик соатларда акс эттирилсада, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш кунлик иш

жойида бўлиш билан уйғун равишда туташмайди. Бу эса, университет раҳбариятининг академик фаолиятга доир қарорлар қабул қилишида айрим мураккабликларни келтириб чиқаради. Натижада, молиявий қоидалар академик рационалликни тўлиқ таъминлашга имкон бермалигига олиб келади. Шу боисдан, халқаро тасниф моҳиятини шакллантиришга унинг учлик омилини инобатга олиш муҳим бўлиб саналади.

Умуман олганда, мамлакатимизда 2024 йил 30 июн ҳолатига 221 та олий таълим муассасаси бўлиб, шундан 121 та давлат улуши бўлган (академия 6та, университет 41та, институт 47 та, филиал 27та), нодавлат 73 та ва хорижий олий таълим муассасалари 27тани ташкил этади.

Мазкур олий таълим муассасаларининг 45 фоизидан ортиғи Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, пойтахт олий таълим бозорида рақобат муҳитининг кескин юқори эканлитигини акс эттириб беради, десак хато бўлмайди. Бу эса, олий таълим муассасаларида халқаро тасниф учун курашда пойтахт университетларининг роли юқори бўлишини ўзида акс эттиради. Натижада, билимлар ва илмий тадқиқот натижаларининг бир ерда тўпланиб қолиши эҳтимоллигини вуждуга келтиради.

2-жадвал

Рейтинг	Имиж
Ваколатли орган томонидан аниқланади	Омма онгида, жамоатчилик тасаввурода шаклланади
Жамоатчилик фикри ҳисобга олинмайди	Жамоатчилик фикри ҳал қилувчи омил
Индикаторлар – асосий кўрсаткич мезонлари ҳисобланади	ОАВлари, медиа макондаги муносабатлар, норасмий мулоқотлар билан шаклланади
Аниқ рақамларда акс этади	Мавхум тасаввурларда ифодаланади
Расмий равиша эълон қилинади	Норасмий равища жамоатчилик онгида яшайди
Расмий доираларнинг муносабатини белгилайди	Жамоатчилик ва омма муносабатини белгилайди

Бизнингча, олий таълим бозори ялпи талаб ва таклифи нуқтаи назаридан мувозанатли тенденцияларни вуждуга келтириш учун ҳудудий олий таълим муассасаларига ҳам эътибор бериш ўзига хос аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз. Умуман олганда, ушбу ҳолатларнинг мавжудлиги кенг қамровли тадқиқотлар ва таҳдилларни амалга оширишга бўлган заруратни ўзида ифодалаб беради.

Шу ўринда, Ф.Бабаджанов томонидан олий таълим муассасаларининг рейтинги ва имиджи тўғрисидаги ўзининг фикрларини келтириб ўтади [4]. Унинг фикрича, олий таълим муассасаси рейтинги ва имиджи ўзаро фарқланиши қайд этиб ўтилади. Жумладан, у ўзининг ёндашувлари асосида тавсиф келтириб ўтади (2-жадвалга қаранг).

Ф.Иброҳимов ва бошқалар томонидан ўрганилган тадқиқотда Webometrics асосида 10та мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг тенденциялари таҳлил

этилади [5]. Уларнинг фикрича, хусусий олий таълим муассасалари давлат университетларига нисбатан ўз веб саҳифалари бўйича нофаол тенденцияларни амалга ошираётганлиги қайд этиб ўтилади. Бизнингча, давлат ва нодавлат университетлар ўртасидаги айrim фарқларнинг ғоявий фарқланиши вужудгак келади, десак тўғри бўлади.

3-жадвал

Webometrics рейтинги ҳисоблаш кўрсаткичлари ва методологияси [6]

Кўрсаткич	Мазмуни	Методология	Манба	Улуши
Мавжудлик	Билимлар тарқатилиши	Тўхтатилган		
Кўриниш (Impact rank)	Веб саҳифа таъсири	Университет саҳифаларига веб ташқи линкларнинг боғланганлиги	Ahrefs Majestic	50 фоиз
Шаффофлик (Очиқлик) (Openness rank)	Энг кўп ҳавола берилган тадқиқотчи	Топ-310 тадқиқотчиларга ҳаволалар сони	Google Scholar Profiles	10 фоиз
Илмий тадқиқот сифати (Excellence rank)	Энг кўп ҳавола берилган нашр	27 та йўналиш бўйича топ-10 фоиз илмий нашрлар сони	Scimago	40 фоиз

Халқаро таснифнинг яна бир шаклларидан бири Webometrics Ranking of World Universities ҳисобланали. Унинг эълон қилиб борилиши Испания миллий тадқиқот қўмитаси (The Spanish National Research Council) томонидан амалга оширилади. Ушбу муассаса тадқиқотга йўналтирилган Испаниядаги биринчи ва Европада учинчи энг катта ҳисобланади. Ушбу муассаса томонидан эълон қилинадиган халқаро рейтинг университетларнинг веб саҳифаларининг сони ва уларга бўладиган мурожаатлар частотасидан келиб чиқиб амалга оширилишини инобатга олсак, унинг моҳияти ҳам халқаро таснифнинг учлик омилига бориб боғланади. Университет қанчалик илмий ва академик фаолиятни ривожлантира олса, унинг веб саҳифаларига ташриф буюрувчилар сони ҳам мос равища ошиб боради.

З-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Webometrics томонидан эълон қилинадиган рейтинг кўрсаткичларида илмий тадқиқот фаолияти ва унинг таъсир даражасининг улуши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса, университетлардан кучли рақобат шароитида ҳам яшай оладиган тадқиқотларни амалга ошириш орқали илмий натижадорликни ривожлантиришни талаб этмоқда. Биз тадқиқотларимиз давомида бошқа рейтинг агентликларининг методлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишни назарда тутганимиз. Шу боисдан, улар тўғрисидаги ёндашувларимизни бошқа параграфларда амалга оширамиз.

4-жадвал**Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг Webometrics бўйича рейтинги**

Ўзбекистон бўйича	Жаҳон бўйича	ОТМ номи	Impact rank	Openness rank	Excellence rank
1	3412	Ўзбекистон Миллий университети	9505	2626	3010
2	3764	ТИҚҲММИ	15403	2845	2336
3	4025	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	7668	7668	7668
4	4245	Тошкент давлат техника университети	15424	15424	15424
6	4873	Қорақалпоқ давлат университети	13188	13188	13188
7	5249	Тошкент шаҳридаги Вестминстр халқаро университети	11565	11565	11565
24	7969	Фарғона давлат университети	19181	19181	19181
43	13568	Навоий давлат педагогик университети	18978	18978	18978
48	14765	Қўқон университети	17795	17795	17795
53	16308	Тошкент шаҳридаги Инҳа университети	14794	14794	14794
59	17404	Russian State Pedagogical University AI Herzen in Tashkent	16113	8370	7223
60	17627	Russian State University of Oil and Gas I M Gubkin in Tashkent	20903	7045	7223

4-жадвалда келтирилган маълумотларда мамлакатимизда жойлашган олий таълим муассасаларининг Webometrics Ranking of World Universities рўйхатида 2024 йил 30 июн ҳолатига бўлган вазиятни қўриш мумкин. Биз мамлакатимизда

жойлашган университетларнинг рейтингдаги рўйхат асосида дастлабки 60 та университетларнинг ичидан айрим олий таълим муассасаларини танлаган ҳолда жадвал маълумотларини шакллантиридик.

Ушбу маълумотлар кесимида давлат олий таълим муассасаларининг улуши юқори эканлигини кузатиш мумкин. Жумладан, 60тадан 55тага яқини айнан давлат олий таълим муассасалари эканлигини қайд этиш лозим (4-жадвалга қаранг)

Хулоса

Эътиборли жиҳати, нодавлат олий таълим университетларининг ичидан Кўқон университетининг дастлабки 60талик рейтинг рўйхатида қайд этилганлиги Ўзбекистонда хусусий университетларнинг ҳам ўз ўрни ривожланаётганлигини ифодалаб беради. Шу билан бирга, мамлакатимизда жойлашган хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари сифатида фаолият олиб бораётган Зта университет ҳам мазкур рейтинг рўйхатида келтириб ўтилганлиги эътиборга молик. Шу боисдан, мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларини ҳалқар тасниф бўйича ривожлантиришда барча мулкчилик шаклидаги университетларнинг роли ўзига хос хусусиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаларининг ҳалқаро тасниф бўйича ривожлантиришда кўплаб рейтинг агентликлари томонидан илмий ва академик фаолият омили инобатга олиниши юқори аҳамиятта эга бўлмоқда. Бу эса, Ўзбекистон шароитида ҳалқаро таснифнинг учлик омилини вужудга келишини тақозо этмоқда. Бизнингча, давлат олий таълим муассасаларида илмий, академик ва молиявий қарорларни мустақил қабул қилинишига эришиш муҳим хусусиятга эга бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ташходжаев М. Олий таълим муассасалари рейтинги ва унинг молиявий бошқарувга таъсири //Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. – 2023. – Т. 1. – №. 8. – С. 264-272.
2. Джуманиязов У. Ўзбекистоннинг ҳалқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашда олий таълим тизимининг роли //Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 150-154.
3. Абдуллаев З., Темиров А. Илмий инновацион фаолият самарадорлиги ва олий таълим муассасалар рейтинги //Development issues of innovative economy in the agricultural sector. – 2021. – С. 499.
4. Бабаджанов Ф. К. Олий таълим муассасасининг рейтинги ва имижи муносабати //Вестник КГУ им. Бердаха. №. – 2019. – Т. 3. – С. 55.
5. Иброҳимов Ф., Бахромова И. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларининг ҳалқаро рейтингларда иштирок этиш истиқболлари //Talqin va tadqiqotlar. – 2023. – Т. 1. – №. 30.
6. <https://www.webometrics.info/en/Methodology>